

## FEATURES OF THE CONCEPT OF "JUST SOCIETY" IN THE SOCIO-PHILOSOPHICAL VIEWS OF ALISHER NAVOI

**Khujaev Davron Nuriddinovich**

He is a doctoral student at the National University of Uzbekistan

**Annotation:** This article analyzes Alisher Navoi's socio-philosophical views on "a just king and a just society." It is known that Alisher Navoi in his works deeply analyzed the interests of man and his political, economic, legal, social, spiritual, philosophical, aesthetic, religious, moral means of achieving happiness and a just society. In many of his works, Navoi urges the rulers not to forget the sacred hadith, which says, "One hour of justice is better than two worlds of worship."

**Keywords:** In the views of Alisher Navoi "just king and just society", humanity, justice, ideal city, ideal society, Nizami Ganjavi, "Iskandarnoma", Abdurahmon Jami, "Wisdom of Alexandria".

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА “АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ” ТУШУНЧАСИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хўжаев Даврон Нуриддинович**

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

### Аннотация

Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида “одил шоҳ ва адолатли жамият” тўғрисидаги қарашлари таҳлил этилган. Маълумки, Алишер Навоий ўз асарларида инсон манфаатларини ва унинг бахту камоли, адолатли жамиятга эришишнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий, фалсафий, эстетик, диний, ахлоқий воситаларини теран таҳлил этган. Навоий ўзининг кўплаб асарларида ҳукмдорларни огоҳликка, адолатга чорлаб, айтилган, «бир соатлик адолат, икки дунё ибодатидан яхшироқ» деган, муқаддас ҳадисни унутмасликка даъват қилади.

### Аннотация

В этой статье анализируются взгляды Алишера Навои на «справедливого короля и справедливое общество» в его социально-философских взглядах. Известно, что в своих работах Алишер Навои глубоко анализировал интересы человека и его политические, экономические, правовые, социальные, духовные, философские, эстетические, религиозные, нравственные средства достижения счастья и справедливого общества. Во многих своих произведениях Навои призывает правителей быть бдительными и справедливыми и помнить о святом хадисе, который гласит: «Один час правосудия лучше, чем молитвы оба мира».

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий қарашларида “одил шоҳ ва адолатли жамият”, инсонпарварлик, адолат, идеал шаҳар, идеал жамият, Низомий Ганжавий, “Искандарнома”, Абдурахмон Жомий, “Хирадномай Искандарий”.

**Ключевые слова:** Алишер Навои «справедливый король и справедливое общество», человечество, справедливость, идеальный город, идеальное общество, Низами Гянджеви, «Искандарнома», Абдурахмон Джамии, «Хирадномай Искандарий».

Марказий Осиё мадания тарихида Форобий, Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Жомий ва бошқа мутафаккир ва давлат арбоблари сингари Навоий ҳам ўрта аср шароитидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда катта нуфузга эга бўлиб, халқларимиз тарихи ва тақдирида чуқур из қолдиргандир.

Алишер Навоийнинг давлат ҳақидаги қарашлари туб моҳиятини, аҳамиятини яхши тушуниш учун ўша вақтлардаги шароитларни эсга олиш шартдир. Маълумки, улкан марказий давлат, империя яратган Темурнинг ворислари орасида, ҳокимиятга даъвогарлар ўртасида дахшатли низолар алангаланиб, принципсиз, тўхтовсиз ўзаро урушлар авж олиб кетади. Халқ хўжалиги барбодликка тушади, халқнинг пешона тери билан яратилган бойликлари, меҳнатга қодир одамларнинг аксарияти ўзаро урушларни олиб бораётганларнинг халқ манфаатларига зид мақсадлари хизматига қўйилади. Темур империяси емирилади, марказий идора системаси бузилади, майда-чуйда давлатлар майдонга келади. Бир давлатга тобе бўлган вилоятлардаги ҳокимлар баъзан ўзларини мустақил олиб борар эдилар, ўзлари формал тобе бўлган давлатга қарши кўпинча исёнлар кўтариб турар эдилар.

Бу ҳолат мамлакатнинг иқтисодиётига, халқнинг аҳволига, салбий таъсир этар, ҳар ерда ўзининг фалокатли, қонли изларини қолдирар, халқ бахтини, саодатини, унинг тинч яшашини поймол этар, мамлакатни, ижтимоий ҳаётни орқага тортар эди.

Навоий золим подшоҳлар, разиллар ҳақида сўзлаб, уларнинг халқ, мамлакат душманлари эканликларини фош этади, уларнинг ярамасликларини, саройдаги ифлос ҳаёт образларини, май-базмларни қоралайди.: “Бир дирам учун юз ҳақни ноҳақ эткувчи ва оз қарам учун кўп “ло” ни “наам” битгувчи. Ва бир сабат узум учун бир боғни куйдурмақдин ғами йўқ ва бир ботмон буғдой учун бир хирмонни совурмақдин алами йўқ...”[1], ....”Омий қозики май ичкай – ўлтургулукдур ва дўзах ўтиға етмасдин бурун куйдургулукдур”[2].

Навоий ўзларини худонинг ердаги вакили деб, ўзларига илоҳий тус бериб халқни талон-торож этувчи, халқни алдаш каби разил ишлар билан машғул бўлувчи ноийбларнинг илоҳий ниқобларини йиртиб ташлайди.

Навоийнинг давлатга, ҳокимларга, разолатга бўлган муносабати, уларни шафқатсиз танқид этиши маълум маънода пассив характерга эга эмас. Навоий қанчалик тинчлик севувчи, шафқатли, мулойим қалбга эга бўлмасин, шунга қарамасдан у адолатсизлик усул идорасини, разилларни йўқотишга ҳаракат қилади, одамларни шунга чакиради, озор берувчи, тузалмас разилларни шафқатсиз жазолаш кераклигини айтади.

Қизиқарлиси шундаки, бу ишларни амалга оширишда, адолат ўрнатишда, поймол этилган ҳақиқий инсоний ҳуқуқларни барпо этишда Навоий тарбия, ташвиқот, насиҳатнинг ролига қанчалик ишонмасин, у яна айтадики, бу воситалар орқали мавжуд ёмонликни яхшилаш, золимни, фосиқни адолатли, шафқатли, яхши қилиш мумкин эмас, уларга қарши куч татбиқ этиш керак. Маълумки, узоқ вақтлар мобайнида халқ ижодида идеал шаҳар, идеал жамият, жамоа ҳақидаги, яъни синфий қарама-қаршиликларсиз, бир-бирига антогонистик зид бўлган бойликсиз, қашшоқликсиз ва давлатсиз жамият, жамоа ҳақидаги орзу, хаёл ёзма адабиётда ўз ифодасини айниқса, Низомий “Искандарнома”сида ва Абдурахмон Жомий “Хирадномаи Искандарий”сида топган. Идеал марказий давлати, унинг бошида турганлар қандай бўлиши, қандай мақсадни кўзлашлари керак, ҳокимият ҳамда ҳокимлар билан халқ орасида қандай муносабат бўлиши керак? Бу саволларга, Алишер Навоийнинг Фарҳоди, хусусан Искандари жуда яхши жавоб бўла олади. Навоийча, давлат бошида турган одам, подшоҳ халқ, мамлакат фойдаси учун, уларни тинчлик билан таъмин этиш учун марказий давлатнинг қанчалик аҳамиятига эга эканлигини билиши ва шунга риоя қилиши керак, мамлакатнинг, давлатнинг мустақил бўлақларга бўлиниб, парчаланиб кетишига ва шундай ишнинг ташаббускорларига мутлақо йўл қўймаслиги лозим[3].

Навоийнинг идеал подшоҳи Навоий тасавуридаги ҳақиқий инсоний сифатларни, гуманистик фазилатларни ўзида мужассам эттиргандир. У инсонларни бахтли қиладиган ҳақиқий фанлар (математика, тарих, табиёт ва бошқа шунга ўхшаш) билан қуролланган, жамиятнинг сирри асрорини, яхши-ёмонларини билади, уларнинг ҳақиқийси зарарли эканлигини тушунади ва шу асосда фаолиятда бўлади. Навоийнинг марказий давлат ҳақидаги қарашда муҳим ғоя шу эдики, шоирча, ҳукмдор ижтимоий ҳаётнинг тизгинини ёлғиз ўз қўлида сақламасдан яъни мутлақ ҳукмдор бўлмасдан, унинг ҳуқуқи муайян даражада чекланган, бўлиши керак, у ўзининг атрофига катта-катта

олимларни, яхши, ақлли, соф виждонли, тадбирли, халқпарвар маслаҳатчиларни, ўзининг илмини халқнинг бахти хизматига қўйган нуруний ақл эгаларини тўплаши керак. Подшоҳ шуларнинг маслаҳатлари билан ишлаши керак, ўз тадбирларини, чораларини, сиёсий фаолиятларини уларнинг ўткир ақли, идроки, инсофу виждони ўлчови билан ҳам ўлчаши ва шунга қараб иш қилиши шарт. Подшоҳ буларни ўзининг яқин одамлари, ёрдамчилари деб ҳисоблаб, улар билан бирга иш кўриши керак. Шундай қилиб, ҳақиқий олимлар шоҳга йўл кўрсаткичлик вазифасини ҳам ўтайдилар ва шоҳ уларга ўз қўлидаги бир машъал сифатида қараши лозим.

Навоий фикрича, подшоҳ халқнинг одил отаси, ҳам содиқ ўғлидир. У халқни, унинг молини, мулкни, бахтини, осудалигини дахлсиз нарса деб сақлайди, уларни бўрилардан қўриқлайдиган посбондир. Подшоҳ мамлакатнинг, халқ боғларининг ғамхўр боғбонидир. У, ўзининг бутун ҳаракатларида илму адолат принципларига асосланади, шуларнинг тантанасини таъмин этиш учун интилади, у ўзининг бутун ҳаракатларида биринчи навбатда халқнинг манфаатларини кўзлашликни назарда тутди.

Подшоҳ давлатни, ҳокимиятнинг ўзининг шахсий нафсларини, ҳирсларини таъмин этиш воситаси деб тушунмайди. Давлатга, ҳокимиятга, у халқ муассасаси, ўзига эса, уни идора этиш учун шу халқ тарафидан қўйилган раҳбар, бошқарувчи сифатида қарайди. Демак, подшоҳ давлатга, ҳокимиятга ўзининг хусусий мулки деб қарамасдан, уни мамлакатда адолат, тинчлик ўрнатиш, сақлаш, халқнинг истакларини, орзуларини амалга ошириш қуроли деб тушунади. Навоий подшоҳнинг яхши ёки ёмонлигини кўп жиҳатдан халқ қўли билан, халқ кўзи билан ўлчайди, шоҳнинг яхши ёки ёмонлигини унинг халққа, халқнинг манфаатларига муносабатига кўра белгилайди.

Навоий мамлакатнинг, жамиятнинг яхшиланишида, ҳокимларнинг ақлли, тадбирли, одил бўлишида мамлакатнинг гуллашида, халқнинг хушбахт бўлишида олим ҳамда илмларнинг ролини, аҳамиятини юксакликка кўтаради ва айтадики, агар ҳокимлар ҳақиқий ҳаётий фанлар билан шуғуллансалар, қуроллансалар яхшини ёмондан ажрата оладилар, зарарларни билиб уларни йўқотадилар, уларнинг ўрнига халқ учун, мамлакат ва давлат учун фойдалиларни ўрнатадилар, ёмонга йўл қўймайдилар, яхшини хурматлайдилар.

Қисқача қилиб айтганда, Навоийча, илм, бир томондан, шоҳлар қўлида шундай бир қуёшки, унинг ёрдами билан шоҳлар ҳарёкни ёритадилар, обод қиладилар ва иккинчи томондан, ўзларининг номларини келажакда абадий қиладилар[4]. Шунинг учун Навоий қатъият ила ҳокимларни илм ўрганишга, фан билан қуролланишга чақиради. Навоийнинг бошқа илмлар билан бир қаторда тарих илмига, унинг равнақиға, уни ҳам ҳокимлар тарафидан эгаллашга алоҳида аҳамият бериши, Мирхонд ва Хондамирларнинг илмий ишларини уюштириши, уларга тарих ёздириши, улар устидан ғамхўрлиги шу билан ҳам изоҳ этилади; Навоийнинг гўё тарихий Македонлик Искандарнинг саргузаштларини ёзганлиги (“Саддий Искандарий”) ходисаси шу билан ҳам изоҳланади; Навоийнинг бу “Садди Искандарий”сида Искандарнинг бу қадар катта муваффақият қозониб, деярли бутун дунёни забт қилишини таъмин этган омилардан бири унинг (Искандарнинг) илм билан яхши қуролланганлиги, катта олим бўлганлиги, улкан олимларнинг маслаҳатлари билан иш қилганлиги эканлигини зўр бериб кўрсатиши, таъкидлаши шу билан ҳам изоҳ этилади. Навоийнинг ўзининг тарих ҳақида ёзган асарларидан кўзлаган мақсади ҳам шу эди.

Навоийнинг бутун асарлари, хусусан дostonлари унинг байнанминаллигидан тўлиқ далолат беради. Бу Навоий гуманизмининг нақадар кенг қўламда эканлигини, нақадар чуқур эканлигини, нақадар олижаноб юксак маънога эга эканлигини кўрсатади.

Кимки инсон бўлса, кимки ҳақиқий инсоний кайфиятларга, хислатларга эга бўлса, унинг қайси тилда сўзлашига қарамасдан, қайси халққа, миллатга мансуб бўлишига қарамасдан, қайси бир ўлкада яшашига, қайси бир мамлакатнинг одами бўлишига қарамасдан, У, Навоийнинг маҳбуби, севгилисидир, демак, Навоий ҳар бир халққа ўз халқидек қараган. У ҳеч қачон бир халқни иккинчисига паст тутишни, ҳеч қачон бир халқни иккинчи халққа қарши қўйишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. У ҳамма халқларни баробар кўрган. У ўзбек халқига қандай ғамхўрлик кўрсатса, хинд халқига ҳам шундай ғамхўрлик қилган. У ўзбек халқини қанчалик бахт-саодат билан таъмин этишга интилган бўлса, араб халқини ҳам худди шу даражада бахтли ва саодатли бўлишини орзу этган, у

хитой халқининг тилакларини қандай ифодалаган бўлса, эрон халқига ҳам шундай самимий, юксак инсоний муносабатда бўлган. Хуллас, барча халқларни бахт оғушида кўриш улуғ инсоний қалб эгаси бўлган гуманист Навоийнинг энг асосий олижаноб орзуси, мақсади эди.

Навоий ўзбек Фарҳод ва эронлик Шопур, араб Лайли ва армени Ширин, грек Искандар ва ҳинд Фаррух каби ажойиб образларни яратади. Улар ўз халқларининг асл фарзандлари бўлиб, ғоят юксак ҳамда гўзал инсоний фазилатларга эга ва содиқдирлар. Уларни Навоий дилдан беҳад севади ва ардоқлайди, шу орқали шоир уларнинг халқларига ҳам ўзининг самимий муҳаббат, ҳурмат ва садоқатини ифодалайди, халқлар дўстлигини куйлайди. Навоий байнанминалигининг яна бир муҳим томони борки, у ҳам бўлса инсонларга тенг адолатни тарғиб қилишидир.

Шоир самимий ва изчил ватанпарвар бўлган, ўз халқи ва ватанини чексиз севган, умр бўйи уни куйлаган, ардоқлаган ва унинг бахт-саодатини орзу қилган, шу учун курашган. Шоирнинг қуйидаги оловли сатрлари тасодифий бўлмай, тамомила қонунийдир:

Гурбатда ҳариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул битса,  
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш[5].

Навоийнинг ўз ватанига бўлган муҳаббати, дарҳақиқат, беҳад эди. Бу айни замонда шоирнинг халқпарварлиги, гуманизми ва озодпарварлиги билан узвий боғлиқдир.

Энг муҳими шундан иборатки, Навоийнинг ватанпарварлиги бир ёқлама хусусият касб этмас эди. У ўз Ватанини севиш билан бирга, бу Ватанни, унинг манфаатини бошқа халқларга, уларнинг диёрларига қарши қўймаган эди. Аксинча, уларни ҳам севади, ҳурмат қилади, уларнинг ҳам осуда ва обод бўлишини орзу қилади. Шоирнинг вайрончи босқинчиларга бўлган чексиз нафрати шу билан ҳам изоҳ этилади, тақозо қилинади.

Навоий бир мамлакатни, бир халқни золим подшоҳ босиб олишини, бунинг натижасида у мамлакатнинг вайрон қилинишини, у ернинг халқининг тобе этилишини ғазаб билан қоралайди. Шоир фикрича, шоҳ билан халқ, давлат билан халқ бир бўлиши керак, шоҳ-давлат билан халқ орасида мутаносиблик бўлиши керак, шоҳ халққа, мамлакатга хизмат қилиши керак.

Навоий халқ, жамият тўғрисида гапирар экан, бундан, у халқни ёппасига бир кўради, бир хил дейди, деган фикрга келиш нотўғридир. У тўғридан-тўғри айтадики:

“Хар киши олам элида хўб эмас,  
Хар кишининг ҳар иши марғуб эмас”[6].

Маълумки, ўша вақтларда шоҳлик бўлишлик мерос тарзида наслдан-наслга ўтиши вожиб бўлган ва ўтадиган нарсасидир, халқ ва мамлакат тақдирини у қандай хоҳласа, шундай ҳал қилишга ҳақлидир деган фикрлар ҳоким қонун-қоида кучига эга эди. Шу билан ва шундай йўл билан шоҳларнинг зулми, мамлакат ва халқни талон-тарож қилиш ҳаракатлари маълум гуруҳлар томонидан оқланар ва асосланар эди. Навоий эса, бунга қарши чиқар эди, давлат бошлиғини, шоҳни халқнинг ўзи танласин ва бу бошлиқ, шоҳ халқдан ўзини юқори қўймасин, ўзбилармон бўлмасин, ўзини бошқалардан ажратиб манманлик қилмасин, қобилиятсиз ва шунинг учун мунофиқ ҳамда фитначи бўлганлардан ўзини сақласин, самимий дўстлар, ҳақиқий олимлар, фозиллар, донишмандлар билан бирга бўлиб, эртадан кечгача мамлакатни обод, халқни фаровон ҳамда осуда қилиш, золим, талончи, умуман ярамасларни йўқотиш ишлари билан машғул бўлсин деган ғоят жиддий ва ўша давр учун улкан салмоққа эга фикрни ўртага ташлайди ва бу фикрни амалга ошириш учун курашади.

Навоий қарашларида шоҳ, давлат билан халқ, омманинг бирга бўлиши, уларнинг бир моҳиятга эга бўлишликлари, бир мақсадни кўзлашлари марказий ўрин эгаллайди[7].

Умуман олганда, Навоий давлатни оқилона, кенгашган ҳолда бошқариш, фуқароларга инсоний муносабатда бўлишни тарғиб этди, босқинчилик урушларини қоралади, тинчлик учун, адолатли ва мукамал жамият ўрнатиш учун барчани ҳамжихатликка, тотувликка, инсофга чорлади. Шу маънода Навоий ижтимоий-фалсафий меъросини ўрганиш, ҳамда унда ўз аксини топган илғор ғоюлардан бугуннинг долзарб муаммоларини ҳал қилишдаги фалсафий ва методологик асос сифатида унумли фойдаланиш лозим.

Навоий ўзининг бетакрор ва ўлмас гуманистик ғоялари билан жаҳон фалсафаси тарихида



салмоқли ўринга эга. Унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари Шарқ ва Ғарб илмий-фалсафий мактабларида бетакрор хусусиятлари, услуби ва тили билан эътироф этилган бўлиб ҳозирги кун ва келажакда ижтимоий-маънавий муаммоларнинг ечимини топишда беқиёс қимматга эга.

Алишер Навоий ижодий мероси ранг-баранг ва кўпқиррали бўлиб, унинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг асосий умумлаштирувчи ва қолипловчи хусусияти инсонпарварлик ғояларидан иборат эканлигидир. Мутафаккир асарларида илгари сурилган ғояларда деярли инсон, унинг табиати, эрки, ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари устувор қадрият сифатида қўйилган. Инсонпарварлик демократиянинг умумэътироф этилган асосий тамойили ҳисобланади. Бу тамойил ҳозирги кунда бутун дунёда бўлгани каби, Ўзбекистонда олиб борилаётган барча ислохотларда ўз инъикосини топган бўлиб, «ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун, унинг манфаатлари учун» тамойили сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши тарзида белгиланган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алишер Навоий. 13-том. Хазойин ул-маоний. Асарлар. Т.4. –Т.:, 1965. –Б.447.
2. Алишер Навоий. 13-том. Хазойин ул-маоний. Асарлар. Т.4. –Т.:, 1965. –Б.447.
3. Хайруллаев.М.М. Культурное наследие и история философской мқсли .Т.Ўзбекистан.1985. – Б. 56
4. Аликулов.Х. Этические воззрения мқслителей Средней Азии и Хорасана XIV-XVвв. Т.:Фан.1992. 86-б.
5. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик.1-т.491-б.
6. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик.1-т.495-б.
7. Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари.Т.:Фан.-2007. 187-б.